

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**  
**“Фалсафа ва маънавият асослари” кафедраси**

# **РЕФЕРАТ**

**Мавзу: Инсоннинг энг қимматли гавҳари унинг кўнгли,  
қалби, рухий оламидир**

**Д.Абдурахмонова  
Д.Тухлибаева**

**Тошкент 2014 йил.**

## Инсоннинг энг қимматли гавҳари унинг кўнгли, қалби, руҳий оламидир.

Д.Абдурахмонова  
Д.Тухлибаева

Шарқона адабиётда юксак бадииятга, сўз санъатига жуда катта эътибор берилиши билан бирга, адабиётнинг дидактикаси-тарбиявий функциясига ҳам катта аҳамият берилган. Илмий-назарий асарларда, поэзияда, прозада панд-насихат руҳи кучли эди. Шарқ халқларининг энг қадимий маданий ёдгорлиги “Авесто” да ҳам инсон ахлоқига, маънавий камолотига катта эътибор берилган. Зардушт якка худо Ҳурмуздга ваъда беради: “Мен Эзгу ниятни, Эзгу сўзни ва эзгу амални эзгу ният билан, эзгу сўз билан, эзгу амал билан шарафлайман!” Яъни, дунёда яхшилик, эзгулик ғалаба қилиши учун одамларнинг нияти, сўзи билан иши, тили билан дили мувофиқ бўлиши керак. Зардушт Ҳурмузд-Яштда яна ёлғон сўзни ҳақиқат енгишини, ёвуз ниятни эзгу ният енгишини айтади:

*Ҳақиқатни шарафлайман.*

*Ҳақиқат олий неъмат.*

*Бу неъматдан шул киши бахрамандким,*

*Савоб унга бўлғайким,*

*Ул ҳақ йўлида энг эзгу,*

*Савобли ишдан қолмаса...<sup>3</sup>*

Маъжусий динлар ўрнига ислом дини кириб келганида Муҳаммад пайғамбарга нозил қилинган Қуръон оятларида жамиятни ислоҳ қилиш ҳақидаги панд-насихатлар, илоҳий фармонлар одамлар ҳаётида муҳим ўринни эгаллади.

Қуръон ва ҳадисларда ҳар бир инсон, мўъмин-мусулмон жамиятда, оилада ўзини қандай тутиши кераклиги, улар амал қилиши керак бўлган ахлоқий меъёрлар, маънавий императив - аҳкомлар жамият ҳаётида тартибсизликни, адолатсизликни, ноҳақликни тугатишга қаратилган. Жумладан, ҳадиси шарифда бундай сўзлар бор: “Харом нарсалардан сақланинг-одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Аллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг-одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг-тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани бошқаларга ҳам раво кўринг-саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп кулиш-руҳни ўлдиради (яъни, заифлаштиради).<sup>1</sup>

Қуръонда шариат ҳукмлари қилиб берилган панд-насихатлар, мусулмончилик ахлоқи анъаналари “Қобуснома” да ҳам учрайди. Ўз даврининг маърифатини ўзида мужассам этган, турли соҳаларда билимларни эгаллаган Кайковус фарзандига ва у орқали барча ёшларга ахлоқ-одобнинг

<sup>3</sup> Авесто. Хурмузд-яшт. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Тошкент. Фан. 2005. Б. 21.

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент. Фан. 1990. Б. 14-15

асоси, пойдевори сифатида Аллоҳнинг амр-фармонларини бажариш вожиблигини, фарзлигини айтар экан, Аллоҳнинг зотини, кимлигини ўйламаслик кераклигини айтади: “”Ҳақ таолонинг неъматларига ҳамиша андиша қилгил (ўйлагил). Аммо унинг зоти ҳақида фикр қилма. Андоқки, пайғамбар алайҳис-салом дебдурлар: “Аллоҳнинг ноз-неъматлари ҳақида фикр қил, ўзи (қандайлиги) ҳақида фикр қилма”. Шундан сўнг Кайковус бирлик ва кўплик (тавҳид ва касрат) ҳақида гапиради: “Бир ҳақиқатда Худодир. Андин ўзга ҳамма иккидир (ва ундан кўпдир). Ҳар нарсаким, сифатда икки бўлса, то таркибда ҳам икки бўлур”.<sup>2</sup>

“Қобуснома” да фарз намозининг фазилатлари бундай таърифланади: “Ҳар киши фарз намозин бажо келтирса, ҳамиша бадани ва либоси пок бўлғусидир. Барча ҳолда палидликдан (ифлосликдан) поклик яхшидур.”<sup>1</sup>

“Қобуснома” муаллифи мана шу шариат ҳукмларини баён қилганидан сўнг, фарзандига ота, оналарини ҳурматлаш, уларни эъзозлаш кераклигини уқтиради: “Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота, онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдан (қарзини қайтаришдан) ҳоли бўлмагусидур. Ота, она (фарзандга) фармонбардордурлар. Ота, онанинг иши сени парвариш қилмоқ ва фармони-сенга яхшилик ўргатмоқдур...Зинҳор мерос олмоқ хирси билан ота, онанг ўлимини тиламагил, чунки ота, она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади...”

“Қобуснома” нинг кўпчилик саҳифалари шу каби маърифат ва маънавиятдан яхши сабоқлардир. Асар маърифатчилик руҳида ёзилган. Китоб муаллифи билим ўрганишнинг фойдалари ҳақида бундай насиҳат қилади: “Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй (ҳаракат) қилгилки, мол била бой бўлгандан ақл била бой бўлган яхшироқдур, нединким, ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир мол (давлат) дирки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас”.

Муаллиф яна айтади: “Агар ақлинг бўлса, хунар ўргангил, нединки, хунарсиз ақл-бошсиз тан, сувратсиз (шаклсиз) бадандекдир. Дебдурларки: “Ал-адаб-сувратил-ақл.” (Яъни, адаб, яхши хулқ ақлнинг сувратидир.”)<sup>1</sup> “Қобуснома” да кейинроқ Арузий Самарқандийнинг “Мажмаун-наводир” (“Нодир ҳикоятлар тўплами”) асарида оламни илмий билиш масалаларига, турли соҳаларда билимларни, фан ва санъатларни қандай ўрганиш масалаларига катта эътибор берилди. Ақлий фаолиятнинг аҳамияти, ақлий (рационал) йўл билан ҳақиқатга етиш мумкинлиги каби долзарб, муҳим масалалар барча асарларнинг асосий мазмуни бўлиб қолди. Бу даврда ёзилган ахлоқий-дидактик асарларда билим ва хунар, санъатларни ўрганиш муҳимлиги қатъийроқ айтила бошлади. Фақат шеъриятда рационал, ақлий

<sup>2</sup> Қобуснома. Т. “Истиклол”, 1994. Б.16-17.

<sup>1</sup> Қобуснома. Т. “Истиклол”, 1994. Б.20.

<sup>1</sup> қобуснома. Т. “Истиклол”, 1994, Б. 26.

билиш етарли эмас эди, бунинг сабаби шеъриятнинг ўзига хос қонуниятлари мавжудлигида эди.

Ахлоқий-дидактик асарларда турли билимлар ва ҳунарни эгаллаш билан бирга, энг муҳими – маънавий камолот эканлиги ҳам англаб етилди.

“Эй, фарзанд, билғилким, Худои таоло жаҳонни беҳуда ва бекор яратмади. Ақл била яратди ва ҳикмат била оройиш берди. Чун билғилким, вужуд (мавжудлик) адамдан (йўқликдан) яхши, кавн (яралиш) фасоддан (бузулишдан) яхши ва хўб (яхшилик) зийнатдан яхши... Эй, фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилишни тарк этмагил, ҳамиша яхшиликни халойиққа кўргузгил ва асло унинг аксин кўргузмагил. (Дилинг бошқа) тилинг бошқа қилиб сўзламагил, буғдойни кўргузиб, арпани сотмагил ва барча ерда ўзингдин дод (адолат) бергил (яъни, халқдан олма, халққа бер.-Д.А) Ҳар кишиким, ўзидин дод берса доди мустағний бўлур (яъни, бошқалардан бадавлат ва адолатпеша бўлур).<sup>1</sup>

Доно, маърифатпарвар отанинг фарзандига айтган бу насиҳатларида инсоният асрлар давомида тўплаган билим ва тажриба, ҳикматлар бор. Кайковус фикрича, донишмандлик ақл билан инсоний фазилатларнинг қўшилганидир. Муаллиф кўпинча ўз фикрларини қадимги юнон донишмандлари – Суқрот, Афлотун, Арасту, Гиппократ (Буқрот) нинг ҳикматли сўзлари билан, Қуръон оятлари ва ҳадислар билан далиллади. “Суқрот ҳаким айтурки, “Ҳунардан яхшироқ нарса йўқдур, шарм (хаё) дан яхшироқ зевар (безак) йўқдур ва бадхўйликдан (бадфеъликдан) ёмонроқ душман йўқдур” (31)

Ота фарзандига билимни китоблардангина олиш билан чекланмай, турли тоифадаги одамлар билан суҳбат-мулоқотдан аслзодалар орасида бўлган муомала маданиятини ўрганиш зарур. У меҳмонларни қандай кутиб олиш, кўпчилик-жамоат ичида бўлиш, кўп тинглаш ва кам гапириш ҳақида маслаҳатлар беради. Барча ҳолатларда меёрни, мўътадилликни сақлаш керак. Кайковуснинг “Олтин ўртачаликни сақлаш бобидаги фикрлари Конфуцийнинг фикрларига оҳангдошдир.

Кайковус фарзандига донишманд Нуширавони Одилнинг мақбарасида олтин ҳарфлар билан ёзилган ҳикматли сўзларини айтиб беради: “Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам ҳақ сўзни айтгил”. “Агар халқ сенинг ҳақингда яхши сўз айтарин тиласанг, халқ ҳақида яхши сўз айтгил.” “Агар халқ сени севишини истасанг, халққа доимо яхшилик қил.” “Агар қадрли бўлмоқни тиласанг, халқнинг қадрин билгил.”<sup>1</sup>

Кайковус жамиятда қадрли бўлишни истаган инсон албатта касб-ҳунар ўрганиши зарур деб ҳисоблайди: “Эй, фарзанд, огоҳ бўлғилки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса-да, аммо ҳунари бўлмаса, халқнинг иззат-ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва дониш бирла бўлур”<sup>1</sup> Кайковус

<sup>1</sup> Қобуснома. Т. “Истиклол”, 1994, Б-30.

<sup>1</sup> Қобуснома. Т. “Истиклол”, 1994, Б-30.

фикрича, ҳаётнинг маъноси бунёдкор меҳнат, ҳунар ва санъатларни эгаллаб, одамларга яхшилик қилишдадир. Инсон ўзидан яхши ном қолдириш учун турли ҳунар ва санъатларда куч-ғайратини, иқтидорини кўрсатиш керак. У фарзандига турли касб-ҳунарларни, фақиҳ-қонуншунослик, табиб, шоир ёки дабир бўлишнинг афзал томонларини тушунтиради. Ҳар бир ишда ғайрат кўрсатган одам бахтини топади.

Шахснинг маънавий камолотига “Қобуснома” муаллифи катта эътибор беради. Инсоннинг энг қимматли гавҳари унинг кўнгли, қалби, рухий оламидир. У табиий фазилатлар билан маънавий фазилатларни фарқлаб айтадики, “табиий фазилат-ростлик ва билим, рухий фазилат-илму дониш ҳикматдир. Маърифат-билимли бўлиш демакдир. Арабча илм, форсча-дониш ҳосил қилиш яхши ва ёмонни, ҳалол ва харомни, оқ ва қорани фарқлаш демакдир.

Кайковус ўз панд-насиҳатларини яқунлаб айтадики, эй, фарзанд, сенга барча касб-ҳунарлар ҳақида билим бердим. Лекин улардан қайсиларини ўрганиш сенинг ихтиёрингга, танлашингга боғлиқ. Инсонга зўрлик билан ақл ўргатиб бўлмайди. “Билғилки, ақл икки турлидир, бири туғма ақлдур, уни азалий дерлар. Иккинчиси-касбий ақл, буни муктасиб (касб қилинган, ўрганилган ақл) дерлар. Касбий ақлни яна дониш ҳам дерлар... Агар оқил бўлмоқни тиласанг, ҳикмат (фалсафани) ўргангил, ақл ҳикмат била камолга етар.”

“Қобуснома” да Кайковус ўз фарзандига турли илмларни, касб-ҳунарларни эгаллаш ҳақида жонли, фалсафий суҳбат шаклида панд-насиҳат руҳидаги ибратли ҳикоятлар, ривоятларда очиб берган.

“Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида Ўзбекистон Республикаси Каримов И.А. таъкидлайдики, фаннинг маънавий соғломлиги биз ўз маънавий меросимизни қандай ўрганишимизга ва бу мероснинг улкан қадриятларнинг реал ҳаётга қандай татбиқ эта олишимизга боғлиқ<sup>1</sup>. Замонавий инсоннинг юксак маънавияти ўтмиш маънавий маданиятини унинг барча серқирралиги ва улуғворлигини чуқур ўзлаштириш билан бевосита боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”, Тошкент, Маънавият, 2008. 12-20 бб.